

Бош вазир ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова Термиз туманида бўлди



Термиз туманига ташрифида дастлаб, Зулайҳо Маҳкамова пиллакор аёлларнинг хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Кейинги манзилда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, ногиронлик аравачалари топширилди.

Шунингдек, "Аёллар дафтари"га киритилиб, иссиқхона қуриб берилган аёлнинг хонадонида бўлиниб, оилавий шароити ўрганилди. Ҳар бир манзилда муаммолар ўрганилиб, ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ташриф давомида Бош вазир ўринбосарига туман ҳокими Шухрат Назаров ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Зулхумор Хидирова ҳамроҳлик қилишди.